

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровни қўллаб-қувватлашга чақирамиз

➤ Сайлов — 2015

Инсон — мамлакатнинг асосий бойлиги

ишончли вакиллар партия номзодини тарғиб этмоқда

Нафақат мамлакатимиз, балки дунё жамоатчилигининг эътиборидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунига саноқли кунлар қолмоқда. Жаҳонда нуфузи тобора ортаётган Ўзбекистон ўз келажаги, мамлакат истиқболини кўзлаб, йирик сиёсий тadbирга катта ҳозирлик кўрмоқда. Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларининг қизгин палласи фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигида, партиялараро соғлом рақобат муҳитида жадал давом этмоқда. Юртимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиядан Президентликка кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари билан республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар демократиянинг ҳаётий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

➤



Наримон Умаров

наманганлик сайловчилар билан учрашди

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тобора оз кун қолмоқда. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг тарғибот кампанияси ҳам якуновчи босқичга кирди. 2015 йил 19 мартда Наманган давлат университети катта мажлислар залида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзод Наримон Мажитович Умаровнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

➤

Адолат устувор жамият ва фаровон ҳаёт учун овоз берамиз

➤ Мухаррир минбари

2015 йилнинг 29 мартда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлиб, унда фаол иштирок этиш, янада фаровон ҳаёт, тинчлик-тотувлик, фарзандларимизнинг бахтли тақдири, мустақил давлатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун овоз бериш ҳар биримизнинг юксак фуқаролик бурчимиздир.

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллигини оширишда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни очик, ошкоралик руҳида ўтказиш, ҳар бир сайловчи учун ўзининг хоҳиш-иродасини эмин-эркин амалга ошириш имкониятини яратиб бериш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам, мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда демократик принципларга асосланган, миллий кадриятларимиз, давлатчилик тарихимиз ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан уйғун, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этил-

ган тамойиллари ва ривожланган ҳорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда сайлов тизimini яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов сайлаш ҳуқуқига эга фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, мамлакат, миллат тақдири учун масъуллигини яққол намоён этади. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда сайлов қонуничилиги ҳар томонлама тақомиллаштирилди, сайловлар жараёнида очиклик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари кучайтирилди.

➤



Наврўзи олам муборак!

Фасллар келинчаги, уйғониш ва тириклик тимсоли бўлмиш гўзал баҳор бутун борлиққа ўз сепини ёйган шу кунларда халқимизнинг энг кўхна байрами — Наврўз шодиёналарига юртимизда қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Наврўз ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз сазоватининг, кўпмингиллик миллий қиёфамиз, бемисл урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир. Юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоқларида кенг нишонланувчи умумхалқ байрамида халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-муруват фазилатлари, миллий анъаналар яққол намоён бўлади.

Бундай фарахбахш дамда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етказганига шукрона айтиб, ҳаёт гўзалликларидан завқлангиси келади.

Бу кунда ҳар бир кўча, гу-

зар, қишлоқ, туман ва вилоятлар марказлари, шаҳарларимиз кўзни қамаштирар даражада ўзгача чирой касб этади. Бу ҳам бежиз эмас. Ахир кўкларнинг ўзи гўзаллик, Наврўз эса шундай бемисл гўзаллик салтанатининг маликаси. Зеро, уйғониш гўзалликдан, табиатнинг рангоранглигидан, ажиб жозоба ва мафтункор тус олишидан бошланади.

Бугун табиат уйғонмоқда.

Бу халқимизнинг нияти, тилаги Наврўз каби эзгу ва беғубор эканидан далолатдир. Эртага тонг билан кириб келажак Наврўз айёми диёримизга мана шундай кўтаринки руҳ, шод-хуррамлик улашини тилаб қоламиз. Наврўз байрами муборак бўлсин, азиз дўстлар!

дов-дарахтлар уйғонмоқда. Она-замин уйғонмоқда. Қийғос гуллаган боғларимиздаги дарахтлар дастурхонимиз мева-чеваларга янада бой бўлишдан шохидлик бераётир. Далаларда бошланган деҳқончилик юмушлари эса мўл ҳосил гаровидир.

Ушбу айём шарофати билан маҳаллаларда, хонадонларда байрам кайфияти ҳукм суради, момоларимиз сумалак тайёрлаш учун буғдойни ундиришга киришишган, йигитлар ўчоқни шай қилиб, шох-шаббаларни ҳозирлаган, қизлар кўча-кўй, ҳовлиларни чиннидай қилиб супурган, барча ер озода, परिшта, болажонлар қўлларидан ширинлик, шўх-шодон уйинга тушган...

Партиянинг сиёсий майдондаги роли

парламентдаги муҳолифлик орқали янада аниқ ифодаланади

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясини парламентдаги кўпчиликка нисбатан муҳолиф деб эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

➤

«Бировга ҳасад қилмадим...»

дейди бир юз ўн беш баҳорни қаршилаётган Мақсуда момо

➤ Хонадонимиз файзи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марҳамат туман кенгаши фаоллари Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан тумандаги кекса отахон ва онахонларнинг хонадонларига ташриф буюриши. Қоракўрғон қишлоғидаги Бўрибоши маҳалласида яшовчи Мақсуда момо Нишоннинг оила аъзолари партиядошларимизнинг ташрифидан бехад қувонишди.



➤

Ўзбекистон Республикаси Президенти Сайлови — 2015

29 март ЯКШАНБА

9 кун қолди

Партиянинг сиёсий майдондаги роли парламентдаги муҳолифлик орқали янада аниқ ифодаланади



Давлес, Боши 1-бетда

Фракция раҳбари Наримон Умаров олиб борган йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 20 нафар депутатлик ўринларини эгаллаб, партия фракциясини шакллантириш ва ўзининг дастурий мақсадлари ҳамда электорат манфаатларини илгари суриш учун барча зарурий имкониятларга эга бўлди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси Қонунчилик палатаси қўмиталарини шакллантириш ва раҳбарларини сайлашда фаол иштирок этиб, мамлакат Бош вазирини номзоди бўйича муносабатини ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ақин ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат Дастурига партия позициясини билдирди.

Ўтган давр мобайнида фракция томонидан электорат манфаатини акс эттирувчи муҳим аҳамиятга эга бир қатор қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Фракциянинг ўтказилган 9 та йиғилишида ўндан ортқ қонун лойиҳалари кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) ҳисоботини муҳокама қилишда, Ҳисоб палатаси ва сиёсий партиялар ҳисоботини тинглашда назорат-таҳлил функцияси бажарилди, кўрилган масалалар юзасидан фракция позицияси ишлаб чиқилиб, эшиттирилди.

Профессионал парламентаризм сари қадам ташланаётган ҳозирги шароитда фракция олдида бошқа сиёсий рақобатчиларидан аниқ фарқини ва уларга нисбатан ўз позициясини белгилаб олиш масаласи долзарб саналади. Йиғилишда фракция аъзолари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциялари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламентдаги кўпчилиكنинг Демократик кучлар блоки тузилгани тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган бундан кейинги ўз фаолиятларини муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси партиянинг Сайловолди дастурида баён этилган бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда "ЎзЛиДеП" ва "Миллий тикланиш" партияларининг дастурий қарашларига тўғри келмайдиган ўз нуқтаи назарига эгадир.

Фракция "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" тамойилига амал қилган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этиш, аҳолининг ўта бойлар ва камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймай, аҳоли турмуши сифати кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган аниқ сый-ҳаракатларни амалга оширишда. Фракция ўзини аънаваный социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат қўллаб-қувватлашга қодир куч сифатида кўради.

Ушбу омиллари инобатга олган ҳолда йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясини парламентдаги кўпчиликка нисбатан муҳолиф деб эълон қилиш таклифи илгари сурилди.

Мазкур принципиал қарор билан Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ўзининг Ўзбекистон мустақиллигини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорликка эришиш тамойилларига содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлаши депутатлар томонидан эътироф этилди.



Қодир ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Ҳақиқатан ҳам, партиянинг Демократик кучлар блоки тузилгани тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган бундан кейинги ўз фаолиятларини муҳокама қилишда, Ҳисоб палатаси ва сиёсий партиялар ҳисоботини тинглашда назорат-таҳлил функцияси бажарилди, кўрилган масалалар юзасидан фракция позицияси ишлаб чиқилиб, эшиттирилди.

гига риюя қилмасликка қарши чоралар етарлига кўзда тутилмаган.

Улардан фарқли ўлароқ, партиямиз Сайловолди дастурида иш берувчилар ва ходимлар ўртасида ижтимоий шерикчиликни мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шариоитини яхшилаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ҳамда ушбу йўналишда қонунчилик базасини такомиллаштириш устувор йўналиш ҳисобланганлиги йўналиш биз учун бу масала принципиал аҳамиятга эга.

Албатта, парламентда кўпчиликни ташкил этувчи "Демократик кучлар блоки"га нисбатан муҳолиф сифатида фаолият олиб бориш биздан янада катта масъулият талаб этади. Яъни, олдимизда Хукуматнинг ақин ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат Дастури ижроси устидан депутатлик назоратини йўлга қўйиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳамда бандлик дастурининг ижроси борасида йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан ҳукумат ва масъул вазирликлар раҳбарларининг парламентдаги эшитишларида тегишли таклифлар киритиш, қонун ижодкорлиги жараёнида парламентда кўпчиликни ташкил этувчи фракцияларнинг таклифи нисбатан муқобил таклифларини илгари суриш каби масъулиятли вазифалар турибди.

лий қонунчилигимизда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг асосий нормалари мавжудлигига қарамай, уларни амалга ошириш механизми бўйича чоралар халигача қабул қилинмаган. Мазкур муаммо интеллектуал мулкнинг айрим соҳалари ҳимоя қилинмаганлиги ва интеллектуал мулк соҳиблари манфаатларини бузиш ҳоллари ханузгача учраётганлигида кўзга ташланмоқда.

Ушбу омиллари инобатга олган ҳолда интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқини тўлиқ ва ўз вақтида ҳимоя қилиш мақсадини муҳолиф фракция сифатида бундан кейинги фаолиятимизда амалиётга жорий қилишга ҳаракат қилишимиз зарур.



Шуҳрат ЯКУБОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Бизнинг қарашларимизнинг "ЎзЛиДеП" ва "Миллий тикланиш" партиялари дастурларидан тубдан фарқ қиладиган йўналишларидан яна бири давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг амалий механизмларини яратишдир.

Қолаверса, "ЎзЛиДеП" ва "Миллий тикланиш" партиялари сайловолди дастурларида тадбиркорликни, хусусий бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий

Йиғилишда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституцион қонунда белгиланган нормага мувофиқ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги парламент муҳолифи деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор бир овоздан маъқулланди.

Шунингдек, йиғилиш доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хоржий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларига брифинг ташкил этилди. Унда фракция аъзолари парламент муҳолифи сифатидаги бирламчи вазифалари ва устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтдилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан ахборот олдилар.

Илбё САХАТОВ,
«Adolat» муҳбири

Тарафду

Эллиққалъа туманидаги 18-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби биносига жойлашган 556-сайлов участкасига яқинлашганимизда замонавий меъморчилигининг гўзал намунасига айланган болалар мусиқа ва санъат мактаби олдида барпо этилаётган 5 гектарлик янги боғда мевали ва манзорали дарахт кўчатлари ўтказилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Пухта ҳозирлик кўрилади

"Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Бобононов қўлимизга бир туп олма ва бир туп эман кўчатини тутқазиб: — Бугун сайлов участкасига келаётган ҳар бир одам бир тупдан мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини ўтказмоқда. Сиз ҳам эзгу ва савобли ишга қўшилиш! — деди.

Она замин нафаси сезилиб турган, янгидан ҳайдалган унумдор тупроққа кўчатларни меҳр билан эдик. Энг эзгу ниятларимизни баралла айтиб, ниҳолларга сув қўйдик.

Сайлов участкасига яратилган шариоитларни кўздан кечиришганимиз, бу ерга келган турли ёшдаги фуқаролар зарур маълумотлар билан танишаётгани, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олаётгани, айниқса, ёшларнинг кўтаринки руҳда муҳим жараёнга бўлган ўз қизиқишларини билдираётганини кузатдик.

— Алишер Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қиламан, — деди ўзини Меҳрибон Урозимбетова деб таништирган қиз. — Президент сайловида биринчи марта овоз бераман. Шу боис ўз ҳуқуқ ва бурчларимни тўлиқроқ билиш учун бугун сайлов участкасига келган эдим. Участка сайлов комиссияси котиби Ҳожибой Собиров бўлғуси сиёсий тадбир билан боғлиқ барча маълумотлар билан батафсил таништирди. Участкада яратилган шарт-шариоитларни, "Оналар ва болалар" хонаси, ёшлар бурчагини кўриб, очигини айтсам, хурсанд бўлдим.

— Сайлов участкамизда 3056 нафар сайловчи овоз бериши мўлжалланган. Ҳозирда сайлов участкамиз доирасидаги икки маҳаллада ҳам зарур тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётган, маҳалла кўчаларидан ўтсангиз, тарғибот оид кўрғазмали воситалар сайлов руҳини аққол акс эттирмоқда, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Улғубек Сейтимбетов. — Президентликка номзодлар ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари ҳам ўтказилди. Бу учрашувлар демократия, кучли фуқаролик жамияти тўғрисидаги қизгин фикрлашувлар ва самимий мулоқотларга айланиб кетди.

— Маҳаллаимиздан 19 нафар йигит-қизлар биринчи бор сайлаш ҳуқуқидан фойдаланадилар, — дейди А.Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимбой Машарипов. — Улардаги жўшқин кайфиятни кўриб, маъноли фикрларини тинглаб, беҳад мамнун бўламиз. Ёшларимиз бугунги воқеали, халқро аҳвол, мамлакатимиздаги демократик жараёнлар, шу жумладан, сайлов қонунчилиги хусусида маълумотларни яхши билишлари қувонарлиқдир.

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ўзида ифодалаётган бу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик ишлари келгуси ойдан манзилларга нигоҳ ташлаш, янги марраларни белгилаш имконини ҳам бермоқда.

Ҳаётбек КЎЧҚОРОВ,
«Adolat» муҳбири

Сайловда илк бор овоз бераман

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил қилади. Демак, жорий йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб номзоднинг сайловнишида ёшларнинг овози муҳим аҳамият касб этади.



Кўпчилик тенгдошларини қатори менга ҳам илк бор ушбу сайловда иштирок этиш насиб этмоқда. Бу унутилмас воқеа ҳаётимда ёрқин из қолдириб, қалбимга юксак фахр-ифтихор бағишламоқда.

Айни пайтда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг ҳоқиятдан тортиб, сайлов жараёни қандай ташкил этилиши, сайлов бюллетенини қандай белгилаш бўйича назарий маълумотларга эга бўлиш билан бирга, ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг бевосита иштирокчиси бўлиш ҳисси менга катта масъулият юклаганини яхши англаб турибман.

Тобора қизгин паллага кириб бораётган сайлов жараёни ҳақида тенгдошларим билан бирга телекурсувлар, интернет ахборот ресурслари, даврий нашрлар ва ўзаро мулоқотларда кўпроқ маълумотлар олишга ҳаракат қилаямиз. Шунингдек, коллежимизда махсус ахборот соатлари ташкил қилинган бўлиб, улар орқали биз сайлов қонунчилиги, ишончли вакил, унинг ҳуқуқлари, сайлов кампаниясини олиб бориш тартиби, юртимизда сайлов жараёни халқро меъёрларга тўла мос келиши каби муҳим тушунчаларга эга бўлиб, ўз сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамламоқдамиз.

Айниқса, Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишиш давомида, уларнинг дастурида мамлакатни ривожлантиришда қайси йўлни таллаш борасидаги, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қандай ўзгаришларни амалга оширишни кўзлаши ҳақидаги, таълим сифатини янада ошириш, ҳудудларда янги иқтисодий тармоқларни очиш ва ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган бир-бирдан фарқли гояларга алоҳида қизиқиш билан эътибор қаратаямман.

Юртимизда ҳўк сураётган тинчлик ва барқарорлик, барча соҳаларда ислоҳотларнинг амалга оширилиши самараси ўлароқ, мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Ҳаётимиздаги янгиланишлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлангани замирида халқимизнинг дунёқараши ва турмуш тарзи изчил юксалиши, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш каби инсон манфаатлари олий қадрият эканини англагувчи тушунчалар ётибди. Мен ҳам Конституцияимизда белгиланган давлат ва аҳоли манфаатларига хизмат қилаётган муносиб номзодни сайлаш ҳуқуқидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Асосийси, сиёсий ислоҳотлар ва демократик жараёнларни янада кучайтириш босқичида мамлакатимиз истиқболли, тараққиёт йўллари ҳақида фикримиз, тушунчамизни кенгайтириш ва сайловларда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлмоқдамиз. Демак, сайлов биз ёшлар учун ҳар томонлама муҳим воқеадир.

Мафтунна ЖУРАЕВА,
Мирзо Улғубек туманидаги информатика касб-хунар коллежи ўқувчиси

Худудий партия ташкилотларида

Ишчанлик ва ҳозиржавоблик фаолиятимиз учун муҳим хусусиятдир

➤ БПТ — партия таянчи

Бошланғич партия ташкилотлари сиёсий кўчнинг асосий негизи саналади. Бундан ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга ошира бориб, Пскент туманида партия тизimini янада мустахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшиб келаётган БПТлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда туманда жами 16 та БПТ ўз сафларига 385 нафар партиядошларимизни бирлаштирган.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими қошида тузилган БПТ, Саидобод маҳалла фуқаролар йиғини, Бирлик МФЙ, Дўстлик маҳалласида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари партиявий ишларни намунали йўлга қўйиб, маслаҳатларимиз ўртасида ибрат кўрсатиб келмоқда.

Метан маҳалласидаги Пскент давлат ветеринария лабораторияси қошида 2014 йилнинг декабрь ойида иш бошлаган БПТ 12 нафар аъзонинг ҳамжиҳатлигида ишлаши тўғрисида қисқа вақт ичида худудда ўз мавқеига эриша билди. Мазкур кўйи ташкилотда Нодирхўжа Абдусатторов, Гулчехра Акмалова, Карима Холмуродова, Содик Собиров, Елена Одилова, Алишер Тоиров, Юнусхўжа Жамоллов, Гулнора Бозорова каби жонқур ва фидойий фаолларнинг бошланғич партия ташкилоти олдига турган вазифаларни самарали бажариш, маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолиги, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшлар маънавияти, ҳар бир инсонда фаол фуқаролик позицияси шаклланиши ва мустахкамланишига ҳисса қўшмоқдалар.

— Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳар бир инсоннинг дунёқараши, оила муҳитининг тўғри шаклланишига ҳам ижобий таъсир қилади. Бу

эса ўз иқтидор ва қобилиятини тўла ишонч билан ривожлантириш, ҳамжиҳатликка интилишга, бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётида фаол бўлишга ундайди, — дейди мазкур БПТ аъзоси Нодирхўжа Абдусатторов. — Одамларга тушунарли ва зарур бўлган, ҳаётий ҳамда таъсирчан тарғибот, албатта, самара беради. Бундан маҳалладошларимизнинг ҳар бири жамиятда кечатган ижтимоий-сиёсий жараёнлар иштирокчиси эканини чуқур ҳис қилаётганидан ҳам аёнлаш мумкин.

— Айни пайтда қизгин давом этаётган сайлов кампаниясида партия фаолларимиз ўз сиёсий маҳорати, ташкилотчилик қобилиятларини намойиш қилмоқдалар, — дейди БПТ фаоли Гулнора Бозорова. — Партия фаолларининг жойларда қай даражада фаолият юритаётгани фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этишида ҳам ўз ақсини топади, десак янглишмаймиз. Маҳалламизда Президент сайловида илк бор овоз берадиган ёшлар ҳам бор. Уларни аниқлаб, айни пайтда давом этаётган "Президент сайловида илк бор иштирок этаман" акциясига яқиндан жалб этаямиз. Мазкур акция доирасида ёшлар ўртасида БПТ аъзолари тарғибот тадбирларини ўтказмоқда. Тарғибот тадбирларида ёшларнинг сайлов қонунчилигини ҳам ижобий таъсир қилади. Бу



мустахкамлашга эътибор қаратаёмиз.

Айтиш жоизки, БПТ аъзоларининг худуд аҳолиси, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, глобал фаоли Гулнора Бозорова. — Партия фаолларининг жойларда қай даражада фаолият юритаётгани фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этишида ҳам ўз ақсини топади, десак янглишмаймиз. Маҳалламизда Президент сайловида илк бор овоз берадиган ёшлар ҳам бор. Уларни аниқлаб, айни пайтда давом этаётган "Президент сайловида илк бор иштирок этаман" акциясига яқиндан жалб этаямиз. Мазкур акция доирасида ёшлар ўртасида БПТ аъзолари тарғибот тадбирларини ўтказмоқда. Тарғибот тадбирларида ёшларнинг сайлов қонунчилигини ҳам ижобий таъсир қилади. Бу

— Бизнинг ишчанлигимиз, аъзоларимизнинг бирдамлиги, ижтимоий ҳаётдаги мавжуд

масалалар, аҳолини, партия электоратини ўйлантираётган муаммоларга ҳозиржавоблигимиз, зиммамиздаги бурч ва масъулиятини ўз вақтида ва сифатли бажара олишимиз муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди ветеринария лабораторияси масъул ходими, БПТ раиси Зилола Тўхтамурадова. — Биз бошланғич партия ташкилоти ўз аъзоларини бир маслаҳат йўлида бирлаштириб, сиёсий партияимизнинг ҳаёт ва мақсадларини ифодаладиган аниқ вазифаларни амалга ошириш орқали инсон манфаатларига хизмат қилувчи, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда партия позициясини намойиш этиш мустахкам тизимининг таянч бўлиши, деб биламиз. Ташкилотимиз аъзоларининг профессионал сиёсий маҳоратини оширишга қаратилган сиёсий ўқувларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани қисқа

вақт ичида улар фаоллигини кучайтиришда кутилган натижаларни кўрсатмоқда.

Пскент тумани партия ташкилоти томонидан БПТ фаолиятини мазмунини ана шундай теҳрир аниқлаб, партиявий ишларда фидойилик кўрсатишга қодир, билимдон ва сиёсий маҳоратини оширишга интилаётган маслаҳатдошларни ўзида бирлаштирган бошланғич партия ташкилотлари тажрибаларини оммалаштириш, суствашиликка йўл қўётган БПТлар ишини талаб даражасига етказиш борасида ишлаб чиқилган дастур амалиётга йўналтирилган. Бундай чора тадбирлар амалиётда ўз ижобий самараларини бермоқда.

Сарвиноз ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент вилояти кенгаши
матбуот котиби

➤ Сиёсий ўқув

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши томонидан партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партиянинг кўйи ташкилотлари вакиллари иштирокида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, бу борада сайлов қонунчилигида белгиланган меъёрлар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

Фаоллик мезони назорий билим ва амалий тажрибага боғлиқ

ФЖШМҚМИ Бухоро вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси А.Турсунов, кенгаш раиси ўринбосари Д.Ҳамдамова ва ФЖШМҚМИ ходими А.Болтаевлар сайлов қонунчилиги, жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти, жорий йилнинг 29 март куни ўтказилган Президентлик сайловида партияимизнинг муносиб равишда иштирок этишида партия аъзоларининг фаоллигини ошириш хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Иштирокчилар мамлакатимизда жамиятини изчил демократлаштириш жараёнлари доирасида миллий сайлов қонунчилигимиз ҳам мунтазам такомиллаштирилгани, бу эса кучли фуқаролик жамиятини қуриш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим омиллардан бири саналишини алоҳида эътироф этишди.

Таъкидланганидек, сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

— Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ортиб бориши бора-бора аҳолининг сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлар билан танишишга қизиқиши юқори эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиз, — деди партиянинг Пешку туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Пешку туман Кенгаши депутати Ф.Болтаев. — Айниқса, юртимиз аҳолининг мамлакат тақдирига бефарқ эмаслиги, давлат раҳбарини сайлашда муҳим сиёсий тадбирга дахлдорликни юқори даражада ҳис қилаётганлиги эътиборга молик. Ушбу жиҳат мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг ижобий самараларини ифодалади.

Шунингдек, семинарда "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгашининг мазкур сайловда партиянинг фаол иштирок этишига қаратилган таъғирларлик ишлари тўғрисида атрафлича маълумот берилди.

Семинар якунида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга маърузачилардан атрафлича жавоб олишди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоят партия кенгашида ҳам Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда партия фаоллари иштирокида сайлов қонунчилиги, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш юзасидан семинар ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этишга қаратилган таъғирларлик ишларини янада кучайтириш, фаолларимиз ва етакчиларнинг профессионал маҳоратини ошириш, партия аъзоларининг сиёсий билимларини мустахкамлаш ҳақида батафсил тўхталиб, сайлов қонунчилигида белгиланган меъёр ва қоидаларнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтирдилар. Тадбир савол-жавоб руҳида ўтди.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ, Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро, Қашқадарё вилояти кенгашлари
матбуот котиблари

Адабий меросимиз

ёшлар маънавияти учун муҳимдир

➤ Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

Партияимизнинг Сирдарё вилоят кенгаши ҳамда Гулистон шаҳар 1-сонли академик лицейи ҳамкорлигида мазкур лицейнинг мажлислар залида шоира Зулфия ҳаёти ва ижодида бағишланган адабий кеча ўтказилди.

Унда академик лицейнинг хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Гаипова ушбу билим даргоҳида Зулфияхоним қизларни қўллагани ўзгача бир фахр билан тилга олди. 2013 ва 2014 йилларда адабиёт ва маданият йўналишларида академик лицей ўқувчилари Маҳзуна Абдурашодова ҳамда Дилбар Холжигитовалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ деб топилганлиги бу фикрнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, шоира ижодининг ёшлар маънавий тарбиясидаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, адабиёт маънавиятга хизмат қилиши шоира ижодида аққол асал этганлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда ўқувчиларнинг Зулфияхоним ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўзбекча, русча ва инглизча маълумотлари қўлчилликда қизиқиш уйғотди. Ёшлар Зулфияхонимнинг шеърларидан ҳамда Пушкин, Лермонтов, Некрасов ижодидан Зулфия қилган таржималардан гўзал намуналар ўқидилар.

Ижодга ҳавас қўйган ўқувчиларнинг шоирага бағишлаб ёзган шеърлари ҳам йиғилганларни мамнун этди. Гулистон шаҳридаги 1-сонли болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари Фазлиддин Ортиқов ва Самандар Бўронов ижро этган кўшиқлар ҳам адабий кечага ўзгача байз бағишлади.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дилшуннос Абдуллаева фаол иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғаларини топширди.

Валижон ТҮҲЧИЕВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси

➤ Фаолият

Мирзачўл Агротехнологиялар касб-хунар коллежида "Иқтисодийнинг барқарор суръатларда ривожланиши — аҳоли турмуш даражасининг ўсиши кафолати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Мирзачўл туман кенгаши ва мазкур коллеж ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда партия фаоллари, туман ҳокимлиги ҳамда иқтисодий соҳа вакиллари, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этди.

Инновацион иқтисодиёт

истиқболли қоямиздир

— Иқтисодийнинг барқарор суръатларда ривожланиши — аҳоли турмуш даражасининг ўсиши кафолати эканлиги партияимиз Сайловдаги дастурдаги асосий йўналишлардан биридир. — деди "Адолат" СДП Мирзачўл туман кенгаши раиси Сиргабой Баратов. — Шу маънода туманимизда 2015 йилда янги иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда сафдошларимиз ҳам ўз хиссаларини қўшаётганлиги эътиборга молик.

— Саноят корхоналарининг ривожланиши аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда, — деди Мирзачўл тумани ҳокимининг ўринбосари Бегзод Усмонов. — Жорий йилда мазкур йўналишда дастурга киритилган 7 та лойиҳа учун 4 миллиард 375 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган бўлиб, шундан 3 миллиард 290 миллион сўм банк кредитлари ҳисобига тўри келади. Ўтган йили туманда 10 миллиард 441 миллион сўмлик саноят маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Давра суҳбатида саноят корхоналарида иш бевуқилар ва ишчи-хизматчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

— "Адолат" СДП бозор иқтисодийнинг ижтимоий йўналтирилиши тарафдоридир, иқтисодий ўсиш натижалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши лозим. Шу мақсадда партияимиз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ёқлайди, — деди партия фаоли Уктам Ҳамзаев. — Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, биз мамлакат келажакнинг инновацион иқтисодиётда деб билар эканмиз, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари туманимиз иқтисодий соҳалари тараққиётида ҳам таъкид этилиши аниқ мудоаодир. Бундай истиқболли қояларимиз амалий тажрибаларда аққол исботини топаётганлиги ўз саъй-ҳаракатларимизда доим фаол бўлиш, бу муҳим жиҳатга мутахассислар эътиборини янада кўпроқ жалб этишга ундайди.

Тадбирда бўлажак мутахассислар ва бошқа йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Жасур ҚАРШИЕВ,

Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти кенгаши
матбуот котиби

Иқтидорли сафдошларимиз ижтимоий-сиёсий билимларини синондан ўтказишди

➤ Ёш «адолатчи»лар

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими ташкилотчилигида вилоят партия тизимида иқтидорли қизлар ўртасида «Биз зукко ва кучлимиз!» кўрик-танлови ўтказилди.



Ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларини ва фаол фуқаролик позициясини мустахкамлаш, партияимизнинг дастурий вазифаларини амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, кўрик-танлов иштирокчилари ва ёшларнинг партияини номенклатурадаги кадрлар захирасига қўйиш, ёш кадрларни тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, партиявий ишларда ёшларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичида туман миқёсидаги беллашувлар-

да сараланган 9 нафар маслоҳат қизлар қатнашди.

Танловнинг биринчи шартли бўйича иштирокчилар "Ўзбекистон "Адолат" СДП — менинг партияим!" мавзусида иншо ёзиш орқали партияимизнинг қисқа давр ичида босиб ўтган тарихий йўли, бугунги кунда олиб бораётган фаолиятини баён этишга, шунингдек, парламентиимиз ҳақидаги билимларини мустақил фикрлари асосида ёритишга ҳаракат қилдилар. Савол-жавоблардан иборат иккинчи шартга асосан Конституцияимиз, сиёсий партиялар фаолияти, сайловлар,

ёшларга оид қонунлар юзасидан ўз билимларини синадилар. Қизларнинг ҳуқуқий билим савиялари юқори эканлиги, ҳозиржавоблиги ҳайъат аъзоларини қувонтирди.

"Менинг ёрқин ҳаётим" мавзусида ўзлари қизиққан машғулотлар бўйича саҳна кўриниши орқали ёшларнинг қалби ёрқин орзу-умидларга тўлаллиги, ўз мақсадларига эришишлари учун барча шароитлар муҳайё эканини намойиш қила олдилар. Тошлоқ тумани иштирокчиси Шаҳноза Матғозиёва тўқувчилик хунари орқали санокли дақиқалар ичида партияимизнинг байроғи тасвирини матода ақ этириб, барчани хушнуд этди.

Байрамонда руҳда ўтган ушбу танловда натижалар бўйича энг юқори баллини тўплаган Фарғона тумани иштирокчиси Гулмирахон Минажиддинова 1-ўринни эгаллаб, "Энг зукко ва кучли" деб топилди. Иккинчи ўринга эса ўзининг бадиий гимнастика бўйича тенгсиз маҳоратини кўрсата олган Фурқат туманида Феруза Жўраева сазовор бўлди. Ўзбекистон туманидан қатнашган иқтидорли сафдошимиз Моҳинур Мақсудова учинчи ўринни эгаллади.

Ҳолиларга вилоят партия кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар берилди. Шунингдек, бошқа иштирокчи қизларга ҳам ҳамкор ташкилотлар ва хомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Комилхон ИСРОИЛОВА,

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Фарғона вилояти кенгаши
матбуот котиби



ҲАШАР

Яқинда бир дўстим билан илдири узок ўтмишга бориб тақалладиган, мазмун-моҳиятида оҳилик, меҳр-оқибат, беминнат кўмак, хайру саховат каби фазилатлар мужассам ҳашар ҳақида сўхбатлашиб қолдик.

— Ҳашар кезларда, хотирам панд бермас, мактабда туртинчи ё бешинчи синфда ўқирдим, — деди у мамнун жилмайиб. — Биласиз, болалар катталарга тақдир қилишга мойил бўлишди. Мана, бунинг бир кўриниши: биз — синфдош жуғралар ўзаро масъулаҳлатлашиб, ҳафтанинг ҳар як-шанбасида, яъни мактабга бормайдиган кунимиз ҳашар уюштиришга аҳд қилдик. Ҳашар, ҳали суяги қотмаган ўсмир бўлсақ, кўлимиздан нима иш келарди, дерсиз? Очига, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Мухими, юрагимизда ғайрат-шижоат бор. Синфдошларимизникига навбат-навбати билан бориб, томорқада ўт-ўлан ўраб, нураган девори бўлса лойсувоқ қилар, ҳуллас, қандай юмуш тўғри келса, худди катталардек бажаришга киришиб кетдик. Мен шунда илк маротаба биргаликда меҳнат қилишнинг завқини туйганман. Иш баробарида ҳазил-хузул, ўйин-кулги билан бўлиб, чарчаш, толиқиш нималигини билмасдик. Бола бўлганмиз, уқувимиз ҳам ҳаминқадар. Демак, бирон ишни қўйиллатганимиз дарғумон. Лекин шунга қарамай, ҳеч ким бизни шаштимиздан қайтарган эмас, аксинча, далда беришарди. "Барака топинлар! Кап-катта йиғит бўлиб бўлиб қолбисизлар-ку", деб. Бу сўзларни эшитиб, ғайратимизга яна ғайрат қўшилди. Ҳашар якунлангач, меҳмондорчилик учун алоҳида дастурхон ёзилиб, оналаримиз атайлаб биз — ҳашарчилар учун тайёрлаган тансиқ тоам-

ни биргаликда баҳам кўрадик. Кейин уй эгаларининг раҳматини эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтариб қайтардик. Ҳозир ўшим қирқдан ошганда ўйлаб кўрсам, айнан ўша ҳашар болалигимиздаёқ орамиздаги дўстлик риштасини мустаҳкамлаган экан. То бугунги кунга қадар собиқ синфдошлар билан жуда-жуда яқинмиз. Тўй-маъракамизда бир-биримизга елкама-елка бўлиб тураимиз. Қаранг, ҳашарнинг ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган тарбиявий аҳамияти ҳам бор экан-да!

Дарҳақиқат, бир ёкадан бош чиқариб меҳнат қилишда ҳикмат кўп. Айтайлик, ойлаб битказиш қийин бўлган катта ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик ишларини кўпчилик ҳашар йўли билан қисқа фурсатда уйдлашди. Шу тариха қанчадан-қанча каналлар қазилди, бог-роғлар барпо этилган, йўллар, кўприклар қурилиб, йўловчиларга қўлайлик яратилган, масканлар ободонлаштирилиб, чиройли гўшага айланрилган. Камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам маҳалла аҳли ҳашар орқали ёрдам кўлини қўзиб, уларнинг мушукли осон бўлишига кўмаклашган...

Элимизда катта-катта байрамлар, қолаверса, тўй-маъракалар олдидан ҳам ҳашар уюштириш анъанага айланиб қолган. Айниқса, табиат уйғонишлари, яшариш ва янгилиниш раъми Наврўз айёми арафасида ўтказиладиган ҳашарда иштирок этиш барча-барча — кексаю ёшга баҳорий кайфи-

ят, яратувчанлик завқини баҳарида элади.

Мамлакатимизда 14-15 март кунлари ўтказилган умумҳалқ хайрия ҳашарида 18 миллиондан зиёд юртдошларимиз иштирок этгани ҳам шундан далил беради. "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, ҳашар кунлари қирқ уч минг гектардан ортиқ майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йигирма олти минг километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланиб, тўққиз миңдан ортиқ зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди.

Ҳашар йўли билан бир юз эликдан ортиқ объектда амалга оширилаётган реконструкция ишлари якунига етказилиб, янги маҳалла идоралари, гузарлар, савдо дўконлари, "Гўзаллик саломи", "Оталар чойхонаси" дорихона, тўйхоналар, болалар майдончалари, ишлаб чиқариш цехлари ва аҳолига маийш хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Умумҳалқ хайрия ҳашарида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари томонидан ўн миллиондан ортиқ манзарали, саккиз миллиондан зиёд мевали дарахт, ўн икки миллионга яқин гул қўчати ўтказилди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, хайрия ҳашаридан тушган маблағлар ҳам таъминланган фуқароларни иқтимоий химоялаш, ободонлаштириш каби хайрли ишларга йўналтирилиши ҳам халқимизнинг меҳр-оқибат, муруват, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу қадриятларига ҳамоҳангдир.

Сунодик МАМИРОВ,
"Adolat" мухбири

«Бировга ҳасад қилмад...» дейди бир юз ўн беш баҳорни қаршилаётган Мақсуда момо

Давома. Бошиқ 1-бети

Онаҳон бу йил бир юз ўн бешинчи баҳорни қарши олмақда. У 85 ёшида оламдан ўтган Пирмат бобо билан уч нафар забардаст ўғилни юрт қорига ярайдиган фарзандлар сифатида вояга етказди. Фарзандлари ўзларидан кўпайиб, момо бугун 24 наба, кўлаб чевара-эварларнинг севимли бувижонисига айланди.

— Яқинда чевара кўрдим, — деди момонинг тўнғич набираси, 67 ёшли Муҳаммадали ака. — У энамга бешинчи авлод, яъни халқ тили билан айтганда, дуара бўлади-да. Агар набираро чевараларни бир жойга йиғилса, келин-куёвлар билан ҳисоблаганда уларнинг сони 250 нафардан ошади.

Ушоқина момо кўз ўнгимда юксалиб, шохлари ҳар ён таралган улкан чинор дарахти тини олдиди. "Одамнинг боши — тақдирнинг тоши" деганларидай, Мақсуда момо Нишоннова ҳам не-не кунлари кўрмади, дейсиз. Инқилоб, колхозлаштириш, бир бурда зогора нон учун эртдан кечгача кетмон чопиллар, уруш ва урушдан кейинги тур-

муш қийинчиликлари, пилла қурти боқининг ўзига хос машаққатлари унинг иродасини бука олмади. Машаққатлари меҳнат, сабр-бардош билан енгиб ўтди. Доимо ҳаракатдан, ҳалол меҳнатдан паноҳ излади.

— Яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам кўрдик. Бировга ҳасад қилмадим. Ғам-ташвиш келганда тақдирдан кўрдим. Энди, худо берган умр экан, яшаб юрибман, — дейди момо.

Оққўнгиллик, самимилик. Момода ана шу сифатларни кўрдим. Яна кенг феъл, қалб осойишталигини ҳис қилдим. Тўнғич фарзанди Нурун ота, уртанчаси Ҳамдамжон, келинлари оламдан ўтганда (охиратлари обод бўлсин) ўзи айтганидай, тақдирдан кўрди. Айрилиқни енгишда матонат топа олди.

Мақсуда момо сабр-бардоши, фидокорона меҳнати, эл-юрт ўртасидаги оёрўси туфайли назарга тушди. 2009 йили мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйи арафасида «Шухрат» медали билан мукофотланди. Уни авайлаб ёстиги орасида асраб келяпти. Кенжа ўғли, 73 ёшли Юсуфжоннинг оиласида,

набаира келин Дилбархоннинг парваршида, яқинларининг ардоғида, эъзозиде яшамокда. «Бўрибойи» ҚВП мудирини Комилжон Тўраев, ҳамшира Саодатхон Мирзаева момонинг соғлиғидан тез-тез хабар олиб туришади. У шифокордан, ширинсўз ҳамширадан хурсанд, уларни алқайди.

— Туманимизда ёши улуг фахрийлар кўпчилигини ташкил этади. Уларга хурмат кўрсатиш ва маслаҳатларига амал қилиш биз учун фойдали. Айниқса, ёш партиядошларимиз билан уларнинг учрашувлари ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Марҳамат туман кенгаши раиси Шухратбек Мусаев.

Марҳаматлик табаррук ёшдаги онаҳон ҳар тонг дуо қилиб, шу кунларга етказганига шукр келтиради, юртга осойишталик, элимизга ризқ-рўз, барака сўрайди. Биз ҳам яхши ниятларга қўшилиб, дуога қўл очамиз: Мақсуда момо каби пиру бадавлатларимиз кўпаяверсин.

Зулфияхон МАНСУРОВА,
журналист

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2014 йилги бюджет ижроси ва 2015 йилги бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўзининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартда тасдиқланган "Сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомини" ва ўз Уставига мувофиқ амалга оширади.

Марказий ва ҳудудий партия ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жойларда ташкилий-партиявий, мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш натижасида 2014 йил мобайнида партия аъзоларининг сони 5196 кишига кўпайиб, 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, 106737 кишига етди. Бунда партиянинг белгиланган тартибда давлат томонидан молиялаштирилиши партия фаолиятини самарали ташкил этишга имкон яратди.

Партия Уставига биноан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг пул маблағлари давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан, партияга аъзолик бадалларидан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари хайрияларидан, шунингдек, амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан шаклланди.

2014 йил давомида партия ҳисоб рақамларига 4 миллиард 606 миллион 553 минг сўм маблағ келиб тушди. Улардан 4 миллиард 122 миллион 917,5 минг сўми давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бўлиб, ундан 3 479 867,0 минг сўми партия устав фаолиятини молиялаштириш, қолган 643 050,5 минг сўм Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов харажатларини молиялаштириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Сайлов харажатлари учун ажратилган маблағлардан 341 191,02 минг сўми сайловолди кўрғазмали тарғибот материалларини тайёрлаш (плакат, брошюралар ва ҳоказо), сайловчилар билан учрашувларни ташкил қилиш учун фойдаланилган.

Партиянинг ўз фаолиятини олиб борадиган 483 миллион 635,5 минг сўминини ташкил этган бўлиб, улардан 421,360 миллион сўми аъзолик бадалларидан, 380,3 минг сўми тадбиркорлик фаолиятини олиб борадиган даромадлар, 1,5 миллион сўми ҳомийлик ёрдамидан ва 60,396 миллион сўми бошқа тушумлардан ҳосил бўлган маблағлардир.

Ушбу маблағларнинг асосий қисми, яъни 3 миллиард 300 миллион сўми марказий ва ҳудудий ижро этилган аппаратларнинг жорий харажатлари учун сарф этилган бўлиб, улардан 2 миллиард 730 миллион сўми партия ходимлари-

нинг иш ҳақи ва унга ажратмаларни ташкил этади. Харажатлар шунингдек,

- кўрғазмали тарғибот материалларини нашр этиш, партия фаолларини телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишини ҳамда партия рекламасини ташкил этиш учун 142,7 миллион сўм;
- партия фаолларини ўқитиш ва семинарлар уюштириш учун 141 миллион 841 минг сўм;
- партия конференциялари, пленумлари ва бошқа шу каби ташкилий тадбирларни ўтказиш 61,2 миллион сўм;
- партия матбуот органи — "Адолат" газетасига (типография харажатларига) ёрдам кўрсатиш учун 41 миллион сўм;
- асосий воситаларни сотиб олиш учун — 180,2 миллион сўм;
- мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатлари учун 87,8 миллион сўм ва бошқа харажатларга 65,86 миллион сўм сарфланди.

2015 йил 1 январь ҳолатига партиянинг 122,6 миллион сўмлик товар-моддий бойликлари ва 1 миллиард 872,8 миллион сўмлик асосий воситалари мавजू.

Партиянинг 2015 йилдаги бюджетини 6 миллиард 409 миллион 880 минг сўминини ташкил қилиши кутилмоқда. Шундан 5 миллиард 861 миллион 580 минг сўм давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, 548 миллион 300 минг сўм аъзолик бадалларидан олинадиган тушумлардир.


Партиянинг 2015 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича тартибда молиялаштирилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, барча бўғинлардаги ижроия аппарати ходимларининг иш ҳақи, мукофот, моддий ёрдам, пенсия фондига боғлиқ харажатларга 86 фоиз, коммунал хизматлар, партия мулкани сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга 1,2 фоиз, партиявий тадбирларни ўтказиш, шу жумладан, партия фаолларини ўқитиш, давра сўхбатлари ва учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларга 9 фоиз, асосий воситалар, жумладан, автотранспорт воситалари, ортехника, алоқа воситалари, мебель жиҳозлари, товар-моддий бойликларни харид қилиш учун 2,5 фоиз, партия устав фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатларга 1,3 фоиз.

Ушбу мавзуга бағишланган мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Партия фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда партиянинг 2015 йилги бюджетини лойиҳасини тасдиқлаш масаласини партия Сиёсий Кенгаши Пленуми кун тартибига кириштиришга қелишиб олинди.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" X МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Диққат, танлов давом этмоқда!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳомада журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" X Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказолади.



3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартидан 2015 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда chop этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов гoлиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуеткани ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);
энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуеткани ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуеткани ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуеткани ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

энг яхши фоторепортаж;
энг яхши матбуот хизмати.
Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуеткани ва

энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдориде пул мукофоти билан тақдирланади.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нопожорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг молиявий кўмағига амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республика-миздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Радиозашииттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:
— муаллиф ҳақида маълумотнома;
— муаллифнинг тураж, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида "Туркистон" саройида ўтказилади. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 35-хона.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.journalist.uz

Тараққиёт

Тошкент Ахборот технологиялари университетиде олийоҳнинг дастурий инжиниринг ва телекоммуникация технологиялари факультетлари иқтидорли талабалари томонидан яратилган дастурий махсулотлар, веб-ишланмалар ва техник ишланмалор намоёйишига бағишланган икки кунлик кўрғазма ташкил этилди.

Энг яхши дастурий ишланмалар намоёйиш этилди

Мобиль илова, веб-илова, Windows илова ва техник ишланмалар йўналишларидаги 90 дан ортиқ дастурий ва техник ишланмалар тақдимоти ўтказилган кўрғазмининг асосий мақсади университет ва унинг ҳудудий филиалларида таълим олаётган талабаларнинг фаолигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ва иқтидорларини рағбатлантиришга қаратилган.

Тадбир ташкилотчилари айтишича, айни чоғда университетда компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг ва телекоммуникация технологиялари каби янги бакалаврият таълим йўналишларида 4000 дан ортиқ талабалар тақдим олмақда.

— Бугун ҳар қандай соҳани ахборот-коммуникация тизимисиз ривожлантириб бўлмайдим, — дейди университет "Телекоммуникация инжиниринг кафедраси" ассистенти Хусан Соатов. — Шу боис ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро стандартлар талаблари даражасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш долзарб аҳамият касб этади. Университетдаги ўқитувчи, мутахассисларнинг хорижий мамлакатларда малака ошириб келиши ўз самарасини бермоқда. Эндиликда биз таълим бераётган талабалар ақин келажда юртимизнинг ахборот-коммуникация соҳаси ривожига муносиб хисса қўшишига ишонамиз.

Кўрғазма якунида "Энг яхши мобиль илова", "Энг яхши веб-илова", "Энг яхши Windows илова" ва "Энг яхши техник ишланма" муаллифлари ташкилотчилар томонидан махсус сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Соодат СОДИҚОВА,
"Adolat" мухбири

Истеъмолчи манфаати устувор

Хамкорларимиз фаолияти

Дунё миқёсида ҳар йили 15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини сифатида кенг нишонланади. Ўзбекистонда ҳам ушбу муҳим сана муносабати билан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг истеъмол маданиятини оширишга қаратилган маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ташкил этилиши аъёнанага айланган.

Маълумки, инсон эҳтиёжи таъминланиши ҳаётий зарурят ҳисобланади, бу билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқи эса, ҳеч иккиланмай, уни «истеъмолчи» деб аташ имконини беради. «Истеъмолчи» атамаси бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий мазмун касб этади. Иқтисодий маънодаги «истеъмолчи» атамаси фуқаронинг ишлаб чиқариш натижалари ва моддий неъматлардан ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиши, бир сўз билан айтганда, истеъмолчи қилиш билан боғлиқ муносабатларини ифода қилади.

Ҳуқуқий маънодаги «истеъмолчи» атамаси эса анча кенг маънода бўлиб, бунда фуқаронинг ўз ҳаёти учун зарур бўлган товарни сотиб олиш, иш ва хизматга бўлиб бериш ҳамда унинг натижаларидан фойдаланиш ёки шундан ниятни билдириш билан боғлиқ муносабатлар муҳим ўрин тутаяди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида «Ишлаб чиқарувчи — сотувчи (ижрочи) — истеъмолчи» деган тизимда асосий ўринни, албатта, истеъмолчи эгаллайди.

Истеъмолчи ўзининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжи билан асосий шахс ҳисобланади. Пировард натижада иқтисодий тараққиёт, меҳнат унвормоделининг ўсиши, янгиликларини жорий этиш аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилади.

Булар бозор иқтисодиётининг рағбатлантирувчи сабабларини ва ҳаракатлантирувчи механизмни ташкил қилади. Яъни, истеъмолчи ҳар қандай ҳолатда ҳам иқтисодиёт учун, ишлаб чиқариш учун, қолаверса, фуқаролик муомаласи учун асосий субъектлардан ҳисобланади.

Республикамизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган бўлиб, Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқи устуворлиги принципи ўз ифодасини топади. Бундан қўриқиб турибдики, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ва истеъмолчи манфаатлари бир-бирига зид келганда устуворлик истеъмолчи томонига бўлади.

Мамлакатимиз фуқаролари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга биноан товар (иш, хизмат), ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товар (иш, хизмат)нинг эркин танлаш ҳамда унинг тегишли даражада сифатли бўлиши, ҳаёти, соғ-

лиги ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг гайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмида қоплашни, бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сайловдаги дастурида таъкидланганидек, партия ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг давлат тузилмалари билан хамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини изчил равишда такомиллаштириб бориш тарафдори.

Партия ўзининг ижтимоий хамкорлари — касабга уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари билан биргаликда

ХV асрда Австрияда бирон-бир нарса аралаштирилган ёки сифатсиз сут сотган сотувчи жазо тариқасида ҳамма сутни ўзи ичишга мажбур қилинган.

ХVI асрда Францияда айниган тухум харид қилган кишилар сотувчинини шу тухумлар билан топшўрон қилишга ҳақли бўлган.

Европада Истеъмолчиларнинг биринчи ташкилоти 1953 йилда Норвегияда ташкил топан ва у истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишга тегишли бўлган масалалар билан шуғулланган.

Нидерландияда 1954 йилдан Истеъмолчилар иттифоқи мустақил ташкилот сифатида иқтисод, соғлиқни сақлаш ва товарларнинг экологик софлиги ва ҳарфизлиги масалалари хусусида давлат органлари билан яқин хамкорликда фаолият юритган.

1960 йилда Истеъмолчилар иттифоқи халқаро ташкилоти (ИИХТ) беш давлат, яъни АҚШ, Англия, Бельгия, Нидерландия ва Австрия Истеъмолчилари иттифоқи томонидан ташкил этилган бўлиб, унга мустақил хусусий ва давлат ташкилотлари аъзо бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

1983 йилдан буён 15 март санаси бутун дунёда Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини сифатида кенг нишонланади.

1985 йил 9 апрелда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеяси томонидан истеъмолчилар ҳуқуқлари муҳофазасининг асосий тамойиллари қабул қилинган.

ННТларнинг фаолияти учун янада қулай шарт-шароит яратиш, ҳомийликни кенгайтириш, фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини рўйбга қақиришни режалаштириш, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга биноан товар (иш, хизмат), ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товар (иш, хизмат)нинг эркин танлаш ҳамда унинг тегишли даражада сифатли бўлиши, ҳаёти, соғ-

лиги ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини ўтказиш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни доир бериш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг



садлар муштарақлиги намойён бўлади. Федерация ўз фаолиятини «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб боради. Аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур даражадаги сифа-


ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бориш ва ўзаро хамкорлик қилиш Федерациянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бугун Федерация таркибда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 14 худудий бирлашма, 195 туман (шаҳар) жамияти фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларда таянч гуруҳлари ҳам ташкил этилган.

Шу ўринда ижтимоий хамкоримизнинг 2014 йилги фаолиятига тўхталиб ўтсак. Федерация ва унинг барча қуйи тизимларидаги «Ишонч телефонлари», шунингдек, электрон почталар орқали истеъмолчилардан 6850 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 31,5 фоизи табиий газ таъминоти, 17,6 фоизи савдо-сотиқ, 17,6 фоизи электр таъминоти, 4,7 фоизи коммунал хизматлари, 3,5 фоизи ичимлик суви таъминоти, 2,3 фоизи транспорт, 2,6 фоизи алоқа, 1,3 фоизи соғлиқни сақлаш ҳамда 18,8 фоизи бошқа соҳаларни ташкил этади. Мазкур мурожаатларнинг ижобий ҳал этилиши натижасида эса истеъмолчилар фойдасига 2 797,1 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар қайта ҳисоб-китоб қилинишига эришилган.

Таҳлилларга кўра, Федерация ва унинг қуйи тизимлари томонидан аҳоли, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тарғибот-ташвиҳот, тушунтириш ишларининг самарали ташкил этилгани, оммавий ахборот воситаларида мазкур мавзуларда мунтазам равишда чиқишларнинг ортагач, шунингдек, фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий саводхонлиги ва истеъмол маданиятини ошириш бўлиб бориши ижобий натижаларга олиб келмоқда. Бу ҳол мурожаатлар сонининг 2013 йилга нисбатан 1607 тага, яъни 23,4 фоизга камайишига ҳам яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон истеъмолчилар



ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Давлат рақобат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Савдо-санаят палатаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Давлат божхона қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа қатор ташкилотлар билан хамкорликдаги чора-тадбирлар режаси бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Чунинч, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб этиш, истеъмол маданиятини ошириш, фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига қаратилган вазифалардан келиб чиқиб, «Истеъмолчи ҳуқуқи», «Жамоатчилик назорати», «Концепция: устувор хизматлари», «Ижтимоий шेरиклик», «Истеъмолчи қонун ҳимоясида», «Фуқаролар мурожаатлари хамда эътиборда» каби мавзуларда маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва ўқув-семинарларни ташкил этилади. Шунингдек, истеъмолчиларнинг Федерация ва унинг қуйи тизимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар билан таништириш ҳамда улар учун керакли маълумотларни етказиб бериш мақсадида интернет тармоғи ишлаб турибди. Унда Ўзбекистон истеъмолчилари ахборот манбаи (www.potreb.us, www.istemol.uz ва www.consumer.uz) махсус веб-порталлари фаолият юритапти.

Ушбу порталлар тегишли маълумотлар билан тўлдирилиб боришмоқда.

Мухтасар айтганда, биз истеъмолчи сифатида ҳар кун эҳтиёжимиздан келиб чиқиб, товар ва маҳсулотларни харид қиламиз, иш ва хизматлардан фойдаланамиз. Бу эса, аввало, қонун билан муҳофаза этиладиган ҳуқуқларимизни чуқур билишни тақозо этади.

Сунондик МАМИРОВ,
«Adolat» мухбири

Солиқ почтасидан

Бугунги кунда жисмоний шахслар томонидан 2014 йилда асосий бўлмаган иш жойларидан ва бошқа манбалардан олинган даромадларини декларациялаш айна қизғин жараёнда кечмоқда.

31 мартни кутиб ўтирманг

Жумладан, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича 2015 йил 1 январдан бошлаб ушбу солиқни ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг бир бараваригача «0» даражали ставкани назарда тутувчи тўрт поғонали (2014 йилда 3 поғонали бўлган) солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий этилди.

Агарда, даромад солиғидан имтиёзга эга бўлган фуқаролар йил давомида асосий иш жойи бўлмаган манбалардан даромад олган бўлсалар, уларга имтиёзлар декларацияни тақдим этиш вақтида солиқ органлари томонидан қўлланилади.

Солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий «www.soliq.uz» сайти орқали кўрсатиётган интерактив хизматлари доирасига жисмоний шахсларнинг «Электрон солиқ декларациялари» хизмати ҳам қиради. Ушбу интерактив хизмат орқали жисмоний шахслар электрон ҳужжат кўринишидаги солиқ декларацияларини автоматлаштирилган ҳолда шакллантиришлари ҳамда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда туман давлат солиқ инспекцияларига бормаган ҳолда интернет тармоғи орқали жўнатиш имконияти мавжуд.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунликда солиқ декларациясини белгиланган муддатдан кечиктириб тақдим этган шахсларга нисбатан маъмурий, шунингдек, қўшимча ҳисобланган солиқни ўз вақтида тўламаган шахсларга нисбатан эса молиявий жазалар қўллаш кўзда тутилган.

Шу сабабли декларация топшириши лозим бўлган жисмоний шахслар ҳисоботини якуний санаси 1 апрелни кутиб ўтирманг, яна ҳам жойлардаги солиқ органларига бориб, жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари ҳамда ҳисобланган солиқларни эса жорий йилнинг 1 июнига қадар тўлашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
Яшнобод тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Сўранг, жавоб берамиз!

— Автомобил транспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончнома бераётган фуқаронинг умр йўлдоши йўқ бўлса, нотариал ҳаракат қандай тартибда расмийлаштирилади?

Р.Эгамбергитов, Янгиер шаҳри

— Агар кўчмас мулк ва автомобил транспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончнома бераётган фуқаронинг эри ёки хотини йўқ бўлса (бева бўлса ёки бўйдоқ), бу ҳақда нотариусга ёзма ариза тақдим этилади. Бунда фуқаронинг эри (хотини) йўқлиги (бўйдоқ, бева эканлиги) нотариус томонидан аниқланади. Ушбу ҳолатни аниқлаш учун нотариусга фуқаронинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва никоҳ тўзилганиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд булар ҳақидаги далолатнома ёзувларидан қўчирмалар асос бўлади.

— Транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасида яшаш жойини Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри деб кўрсатилган. Тожик шаҳрида автомашинанинг олд-соғди шартномасини расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилганимда, автомашинама тақиқда туриш ёки турмаслиги ҳақида маълумотномани тақдим қилишни сўрашди, ушбу маълумотномани қаердан олишим мумкин?

Т.Абдуразақов, Ховос тумани

— Сиз ушбу маълумотномани Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри нотариал идорасидан олишингиз мумкин. Чунки, у автомобил транспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек, автомобил транспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкнинг юритиш ҳуқуқига эга.

— Бошқа шахсга ишониб топшириш тартибиде берилган ишончнома ҳақида тушунча берсангиз?

И.Қаҳқор, Сайхунбод тумани

— Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибиде берилган ишончнома матнида асосий ишончнома тасдиқланган сана, жой ва реестр рақами, асосий ишончнома олган, берган ва ваколат ишониб топшириётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзили, асосий ишончнома билан берилган барча ёки айрим ваколатлари (масалан, автомобил транспорт воситасини сотиш, бошқариш, таъмирлаш, ҳайдаб олиб бориш ва шу қабилар) берилаётганлиги ҳақида аниқ кўрсатилиши керак. Тасдиқловчи ёзувда эса ваколат берилган шахс асосий ишончномага асосан ҳаракат қилаётгани кўрсатиб ўтилади. Нотариал идорада қолдирилган асосий ишончномага эса мазкур ишончнома бўйича ваколатлар бошқа шахсга берилганлиги ҳақида ёзиб қўйилади. Асосий ишончноمانинг нуқсаси нотариал идорада қолдирилган ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибиде берилган ишончномага қўшиб тикиб қўйилади.

Саволларга Гулистон шаҳар 6-сон ДНИ нотариуси
Муҳиддин СУЯРОВ жавоб берибди.

Ҳуқуқ

Мамлакатимизда ҳуқуқий ислохотлар ҳақида гап кетганда, ярашув институтининг аҳамияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бағрикенглик ва кечиримли бўлиш каби миллий аъёнанадимики инобатга олинган, ярашув институтини жорий этилди.

Жазолардан озод қилиш институтларининг такомиллаштирилгани эса жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг изчил, тадрижий ва ўзлуксиз давом этаётганини кўрсатади.

Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш Жиноят кодексининг 661-моддасида белгиланган бўлиб, Жиноят кодексининг ушбу моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этган шахс айбига иқдор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, илгари оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланмаган бўлса, унга нисбатан жавобгарликдан озод қилишнинг мазкур тури қўлланилади.

Ярашув институтини суд амалиётига 2001 йилда киритилган бўлиб,

у самарали фаолият кўрсатмоқда. Мазкур институтнинг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишнинг содир этган шахсга жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Жумладан, 2013 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан киритилган ўзгартишлар натижасида ҳам Жиноят кодекси 661-мод-

дасига кўра, ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган нормалар сони кўпайиб, Жиноят кодексининг 180, 181, 189, 191-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан ҳам мазкур институт қўлланиши киритилди. Бу жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таърифига кириб, уларнинг содир этилиши жамият учун оғир оқибатларга сабаб бўлмайди. Аксинча, жиноят содир этган шахс билан ярашув орқали етказилган зарарнинг қопланишидан жабрланувчи ҳам манфаатдор саналади, унинг бузилган ҳуқуқининг тикланишига имконият яратаяди.

Жиноят кодексининг 180, 181-моддаларида сохта банкротлик ва банкротликни яширганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳар икки жиноятда ҳам кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши жиноий оқибат сифатида назарда ту-

Ярашув институтини

тилади. Демак, бу жиноят натижасида келиб чиқадиган оқибатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг (шартномавий) бахорилмаслигини, Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосларидан бирини мулкий муносабатлар ташкил этиб, кредитор ҳар доим ўзига тегишли бўлган мулкнинг қайтарилишидан ёки унга етказилган зарарнинг қопланишидан манфаатдор саналади. Қарздорнинг ўзини сохта банкрот деб эълон қилиш ёки банкротлигини яшириш орқали жиноят содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилишидан кўра, кредиторларга етказилган зарарнинг қопланиши қарздор учун ҳам, кредитор учун ҳам фойдалидир. Чунки ҳар қандай жиноят учун жавобгарликка тортилиш судланганлик оқибатини келтириб чиқаради.

Шу сабабли ушбу жиноятларга нисбатан ярашув институтининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун жиноят содир этган

шахс етказилган зарарни қоплаши, айбига иқдор бўлиши, жабрланувчи билан ярашши муҳимдир.

Жиноят кодекси 180, 181-моддаларида рағбатлантирувчи қисм мавжуд бўлиб, агар шахс етказилган зарарни уч қарра миқдорда қоплаган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Бу қоида инсонпарварлик принципининг амалий ифодаси бўлиб, жиноят содир этган шахснинг етказилган зарарини уч қарра миқдорда қоплашининг ўзи унинг ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигидан далolat беради.

Етказилган зарарнинг қопланганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бошқа жазо билан алмаштирилиши ёки ярашувнинг қўлланилиши жиноят содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асосларини кенгайтириб, инсонпарварлик тамойилининг қончилигимизда ўз ифодасини топаётгани ва жиноят қону-

нининг янада либераллашиб бораётганидан далолат беради.

Энг муҳими, ярашув жамиятда судланганлик ҳолатини қамайтириш билан бирга, унинг узоқ давом этадиган оқибатларини бартараф қилиш имкониятларини беради. Энг асосийси, судланувчи бу орқали «судланган» деган тамғадан халос бўлади. Бу камиде шунча жабрланувчининг бузилган ҳуқуқи тикланишига сабаб бўлади. Ярашув институтини жорий этилиши амалиётда ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатаяётганлигига қўллаб-қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Айни пайтда дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда қўриб чиқиш учун сарфланадиган муддатлар анча қисқарди.

Рустам ШУКУРОВ,

Тошкент вилояти Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманларари суди судьяси

Европа тақдирига дахлдор сайловлар

➤ Дунё сайловлари — 2015

Деярли ярим миллиардга яқин аҳоли яшайдиган Европа Иттифоқининг бир неча давлатларида 2014 йилда, жумладан, май ойида Европа парламентида бўлиб ўтган сайлов натижалари кўхна қитъада турли сўл ва ўнг оқимдаги радикал партияларнинг мавқеи кучайганини кўрсатди. Бу ўз навбатида, Европа сиёсий доираларида жиддий ташвиш уйғотганди. Шунингдек, сармоядорлар ҳам анчадан бери кўхна қитъада миллатчилар позицияси кучайиб бораётганидан хавотирга тушишмоқда.



Финляндия фуқаролари жорий йил 19 апрелида парламент сайловларида иштирок этадилар. Кун тартибиде А.Стубб бошчилигидаги коалицион ҳукуматни сақлаб қолиш масаласи турибди. Сўровларга кўра, амалдаги сиёсий партиялар орасида ярқ этиб кўзга ташланадиган етакчи йўқ, демак, янги ҳукумат бу гал ҳам коалициядан иборат бўлади. Сайловлар коалиция таркибига таъсир қилиши мумкин, аммо жиддий сиёсий ўзгаришлар олиб келиши кутилмаяпти. Фин сиёсатчилари фикрича, Марказчилар партияси апрелдаги сайловларда ғолиб чиқиш имкониятига эга, Тимо Соини етакчилигидаги «евроскептик» қарашдаги Финлар партияси сўнги вақтларда ҳурматини анча йўқотди, шу боис унинг тўплаган овозлари 13-14 фоиздан ошмаслиги тахмин қилинмоқда.

Маълумки, Буюк Британия ЕИнинг етакчи аъзоларидан бири сифатида ҳар доим ўзига хос мавқеи эгаллаб келган. Шу боис 7 майда Буюк Британияда бўлиб ўтадиган сайловларга Европадаги энг муҳим сиёсий тadbирлардан бири сифатида қаралмоқда. Британияликлар умумпалата аъзоларини қайта сайлайдилар. Январь ойида бошланган сайловолди кампанияси қизилиб қолаяпти. Ҳозирда вазият шундай ривожланмоқдаки, ўнг радикаллар маҳаллий сайловларда сезиларли ғалаба қозонишлари мумкин. Бу эса келгусида миллий миқёсда муваффақиятга эришишда трамплин вазифасини ўташи кутилмоқда.

Хўш, Европа сиёсат оламида фаолият юритаётган ўнг ва сўл радикал партиялар 2015 йилда ҳам ўз таъсирини кучайтиришга эриша оладиларми? Бу саволга жорий йилда Европа Иттифоқининг 8 давлатида бўлиб ўтадиган миллий парламентга сайловлар аниқлик киритиши мумкин. Гарчи сайловчилар биринчи галда ички сиёсий ва иқтисодий шароитдан келиб чиқиб овоз берсаларда, айна пайтда ишсизлик, аҳоли даромади, ижтимоий ҳимоя, муҳожирилик билан боғлиқ муаммолар Европа фуқароларининг хоҳиш-иродасига таъсир қилмай қолмайди, албатта. Натижада навбатдаги сайловларда миллатчи ва агрессив кучлар ҳокимиятга келиши муқаррар бўлиб қолади.

Бу тахминлар дастлаб Грецияда 25 январда бўлиб ўтган парламентга сайловларда ўз тасдиғини топди, деса бўлади. Гап шундаки, Грецияда сўл радикал «Сириза» партияси ғолиб чиқди. Эстонияда эса 1 март кунда ўтказилган сайлов натижаларига кўра, бош вазир Т.Рийвас етакчилигидаги ўнг марказчи Ислохотлар партияси ўз мавқеини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Кўхна қитъанинг йирик давлатларидан бири ҳисобланмиш Францияда гарчи жорий йилда парламентга сайловлар режалаштирилмаган бўлсада, бироқ шу ойда маҳаллий бошқарув органларига сайловлар бўлиб ўтади, тахминларга кўра, бу сиёсий тadbир мамлакатдаги сиёсий кучлар ўртасида янги мувозанатни юзга келтириши мумкин. Маълумки, Франциянинг Марин Ле Пен бошчилигидаги радикал «Миллий фронт» партияси 2014 йилнинг май ойидаги Европарламентга сайловларда 25 фоизлик кўрсаткич билан ягона пешқадамга айланганди. Экспертларнинг фикрича, Марин Ле Пен ўз муваффақиятини бу гал

ҳам ривожлантириш имконига эга. Бунга асослар ҳам бор. Францияда «Миллий фронт»нинг оммалашуви бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, Франциянинг амалдаги раҳбари Франсуа Олланд мамлакат тарихидаги рейтингинг энг паст президентга айланди. Уни аҳолининг 30 фоиздан камроғи қўллаб-қувватлаётган бўлиб, иқтисодий сиёсатдаги муваффақиятсизликлар бунинг бош омилидир. Президент ишсизликни камайтириши бошқарувидаги устувор вазифалар сирасига киритганига қарамай, кейинги йилларда ишсизлар сони фақат ўсиб борди. Қолаверса, шу йилнинг январь ойида Парижда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари туфайли мамлакатга кириб келаётган муҳожирилари оқимини чеклаш тарафдори бўлган Ле Пен партияси бу гал 30 фоиздан кўпроқ овоз тўплаши ва мамлакатда етакчи сиёсий кучга айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ле Пен кўндан бери французлар ЕИнинг бугунги тузилмасидан воз кечиши хусусида баёнот бериб, суверен миллатлар ихтиёри асосида янги Европани қуришга чақириб келади. Сўровларга кўра, ушбу партияни французларнинг 15 фоизи қўллаб-қувватлаши мумкин. Франсуа Олланднинг паст рейтингинг эса маҳаллий бошқарув органларига сайловларда муваффақият қозониши имкониятларини камайтиради. Собик президент Николя Саркозининг катта сиёсатга қайтиши ўнг марказчиларга куч бағишлаши мумкин. Ле Пеннинг «Миллий фронт»ини ортда қолдиришга қурби етмаслиги билиниб қолаяпти. Ҳозирда вазият шундай ривожланмоқдаки, ўнг радикаллар маҳаллий сайловларда сезиларли ғалаба қозонишлари мумкин. Бу эса келгусида миллий миқёсда муваффақиятга эришишда трамплин вазифасини ўташи кутилмоқда.

Буюк Британияда бўлиб ўтадиган сайловларда Европадаги энг муҳим сиёсий тadbирлардан бири сифатида қаралмоқда. Британияликлар умумпалата аъзоларини қайта сайлайдилар. Январь ойида бошланган сайловолди кампанияси қизилиб қолаяпти. Ҳозирда вазият шундай ривожланмоқдаки, ўнг радикаллар маҳаллий сайловларда сезиларли ғалаба қозонишлари мумкин. Бу эса келгусида миллий миқёсда муваффақиятга эришишда трамплин вазифасини ўташи кутилмоқда.

тақдирда Буюк Британиянинг Европа Иттифоқига аъзолиги масаласида мамлакатда 2017 йилгача референдум ўтказишни ваъда қилмоқда. Бирлашган Қиролликнинг яна бир аънавий етакчи сиёсий кучларидан бири ҳисобланган лейбористлар мавқеи айна пайтда пастлигича қолмоқда, бироқ сайловгача ҳали вақт бор, бу ўз навбатида, вазиятни ижобий томонга буришга ҳам вақт бор, деганидир.

Буюк Британияда бўлиб ўтадиган ушбу сайловлар натижалари Брюсселда ҳам сабрсизлик билан кутилиши шубҳасиз. Чунки Бирлашган Қиролликнинг ЕИдаги келгуси тақдирини ушбу сайловлар натижаларига озми-кўпми боғлиқдир. Хулоса қилиш мумкинки, шу пайтгача иккинчи даражали бўлиб келган партияларнинг нуфузи ошгани, Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш ҳолатларни ҳисобга олсак, бўлажак миллий сайловлар Европанинг сиёсий ҳаритасига ўзгариш киритиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Португалияда парламентга сайловлар шу йилнинг 20 сентябрь ва 11 октябрь оралигида бўлиб ўтиши лозим. Ҳозирча унинг қандай яқун топиши башорат қилиш қийин. Чунки, мамлакатда кузатилаётган аҳвол Грециядаги вазият билан ўхшаш, яъни Португалия иқтисодиёти оғир инқирозни ўтказмоқда, ташқи қарзларни тўлаш мажбурияти ҳукуматни кескин иқтисодий қораларга қўл уришга қорламоқда, бу эса табиийки, аҳоли ўртасида нозилик кайфиятини келтириб чиқараяпти. Бу ҳам етмаганидек, ҳукумат таркибидеги коррупция ҳолатларининг фош бўлгани мамлакатни ларзага солди. Утган йилнинг ноябрь ойида ички ишлар вазири истеъфога чиққан бўлса, бир ҳафта ўтиб собиқ бош вазир Ж.Сократес ҳибсга олинганди. Шу боис, коррупция билан боғлиқ ҳолатлар жорий йил кузги сайлов натижаларига ҳам жиддий таъсир қилиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

ЕИнинг яна бир давлати Данияда маҳаллий парламентга сайловлар агар бош вазир Х.Торинг-Шмидт бошчилигидаги сўл марказчи ҳукумат уни олдинроқ муддатда ўтказишга қарор қилмаса, 14 сентябрда бўлиб ўтиши кутилмоқда. Бу

ҳолат амалдаги ҳукуматнинг мавқеи тушиб бораётганидан дарак беради. Унинг асосий рақиби — Дания ўнг Халқ партияси сўнги сўровларга кўра 21 фоиздан кўпроқ овоз тўплаши мумкин. Бу давлатда ҳам муҳожирилари кириши кескин қисқартириш ғоясини илгари сураётган сиёсатчилар нуфузи ошиб бормоқда.

Польшада куз ойларида нафақат парламент, балки президент сайловлари ҳам ўтказилади. Экспертларнинг маълум қилишларича, муҳолиф Ярослав Качинскийнинг ўнг марказчи «Хукуқ ва Адолат» партияси 2010 йилдаги сайловларда маглубиятидан сўнг ҳокимият жилловини қайтариш кунгиллари тўлаётгани йўқ, шу сабабли қитъада ЕИни танқид қилаётган партиялар сони ўсишда давом этмоқда. Шундай шароитда Европа давлатлари миллий парламентларига сайлов натижалари аҳамияти шундаки, у Европa мамлакатлари ўртасидаги келгуси интеграция масалаларига таъсир қилмай қолмайди. Кўхна қитъанинг қўллаб муаммолари ечимини топиш бўйича умумевропа сиёсатини ҳамжиҳатликда амалга ошириш, яқдил бўлиш ҳам кўп жиҳатдан ушбу сайловлар натижаларига боғлиқдир.

Қаҳрамон Қўлдошев, «Adolat» муҳбири

Қаҳрамон Қўлдошев, «Adolat» муҳбири

МТ

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси жамоаси

жаннатмонана юртимизнинг барча фуқаролари ва азиз меҳмонларини

НАВРЎЗИ

олам билан қутлайди.

Ҳар бир кунингиз Наврўз айёми каби мароқли ўтсин, азиз юртдошлар! Байрам қувончлари сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ўзбекистон Республикаси вақтга матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти кенгаши партиянинг Навоий шаҳар кенгаши раиси Каримжон Бобоновова акаси

Қаҳрамон АТАКУЛОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Qishloq Qurilish Bank

Бухоро вилояти минтақавий филиали

ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни оламни шуқуҳ, латофат либосига буркаётган **Наврўз айёми билан қутлайди.**

Ҳар баҳорда ҳаётнинг абадийлиги рамзи бўлмиш бу улғу, фусункор байрам тортиқ этаётган шодиёна кайфият сизларга доимо ҳамроҳ бўлсин.

Наврўзи олам муборак бўлсин, азизлар!

Хизматлар миқдорини таъминлаган

2015 ЙИЛ 29 МАРТ, ЯКШАНБА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ



КУЧ — АДОЛАТДА!

**Ўзбекистон
“Адолат”
социал-демократик
партиясидан номзод
Наримон Умаровга овоз беринг!**



Адолат устувор жамият ва фаровон ҳаёт учун овоз берамиз

Давоми. Боши 1-бетда

Мамлакат Конституциясининг “Сайлов тизими” деб номланган XXIII бобига киритилган тузатишлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан бевосита шуғулланган Марказий сайлов комиссияси тузилди. Мазкур комиссиянинг вазифаларини кенгайтириш, мустақил фаолият юритишини таъминлаш мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”-ги қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг бу ҳуқуқлари давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади, чунинчи, сайлов ёшидаги фуқароларнинг давлат органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки асосан сайловларда намоён бўлади. Эркин ва очиқ сайловлар орқали фуқаролар ўзлари муносиб деб билган шахсларни ҳокимият органларига сайлайди, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради.

Сайлов қонунчилигимизда мустақамлаб қўйилган асосий норма ва принциплар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига тўла мос келади. Хусусан, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»нинг 21-моддасига кўра, халқ иродаси ҳокимиятнинг асоси бўлмоғи лозим, бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) эркин сайловга доир принциплари универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлик, яширинлик, очиқлик ва аниқ ҳисоб-китоб каби тушунчалардан иборат. Бу — сайловда қатнашган ҳар бир кишининг овози сўзсиз

этиборга олиниши зарурлигини англатади. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими юқорида келтирилган барча тушунчаларга тўла мос келади.

Чунинчи, Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасида «Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йўналишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади», деб кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 14-моддасига кўра, бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида ўтказилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомиди сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Сайлов кампанияси жараёни, жойларда ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб, халққа етказиб турилади.

2014 йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимизда чинакам халқчил сайлов тизими юзага келганини яна бир бор кўрсатди. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни муносиб даражада ўтказиш билан боғлиқ жараёнда дунёнинг элликлдан ортик мамлакатларидан келган кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди ва бу жараёни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг уч юз қирқ нафардан зиёд вакиллари ёритиб борди. Уларнинг барчаси ушбу сиёсий тадбирда фуқаролар, айниқса, ёшлар фаол иштирок этганларини, ҳар бир сайловчи учун ўз танловини амалга ошириш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Халқаро кузатувчилар мамлакатимизда сай-



Фарҳод АБДУРАСҚОВ (ЎА) олган сурат

ловчиларнинг овоз бериш натижаси ривожланган дунё мамлакатларидаги сайловларда кузатиладиган натижалардан анча баланд бўлганини ҳам қайд этиб ўтишди. Бундай натижага эришишнинг бош сабаби, мамлакатимиз сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига ҳамоҳанглиги, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги тажрибаси, халқимизнинг миллий менталитетини инобатга олган ҳолда шакллантирилганида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни эса сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси, фуқароларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi ва кайфияти тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустақамлашиб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётганини кўрсатмоқда. Кўплаб

жойлардаги учрашувларда Президентликка номзоднинг сайловчилар билан ўтказиладиган учрашув ва мулоқотларида улар томонидан ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг дидил кўтариб чиқилаётгани, аниқ саволларга аниқ жавобларни талаб қилинаётгани ва ҳатто сиёсий партиянинг позицияси, дастурий гоёларини тўла англаган ҳолда номзодларга аниқ таклифлар билан чиқётганликлариди кўриш мумкин.

Ўз навбатида давом этаётган сайловолди кампанияси даврида сиёсий партияларнинг аҳоли орасидаги обрўси ва танилувчанлиги янада ошди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўз номзодини илгари сурган “Адолат” социал-демократик партияси ҳам мазкур сиёсий кампанияни уюшқолик ва жиқлик билан ўтказган ҳолда яна бир бор фуқароларнинг эти-борини қозонишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, номзодимизнинг сайловолди дастурида кўтарилган ма-

салаларнинг халқимиз кўнглига яқинлиги, ҳаётийлиги ва долзарблиги аҳоли томонидан эътироф этилаётгани бизни қувонтиради.

“Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, Адолат — ҳар бир инсон учун” гоёсини илгар суратган Ўзбекистон социал-демократлари халқимиз ва Ватанимиз учун сидқидилдан хизмат қилишни олий бахт деб билади. Ўз кучимизни ва имкониятларимизни яхши англаган ҳолда, тажрибамизга суяниб шуни ишонч билан айтмазмики, партияимизнинг янада фуқароларимизнинг янада фаровон ҳаёт кечирishi, адолат устувор жамият барпо этиш йўлида тинмай ҳаракат қилади. Партияимиз номзоди бугунги куннинг долзарб масалаларини нафақат муҳокама қилмоқда, балки жамиятдаги мавжуд муаммоларга нисбатан ўзининг аниқ позициясини белгилаб, муаммони бартараф этишнинг шакл ва услубларини, ечимларини таклиф этмоқда.

Зеро, партияимиз иқтисодиёт ва

ижтимоий соҳаларда инновацион тараққиётнинг, яратилган моддий бойликларни адолатли тақсимлашнинг, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига амал қилишнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигининг фаол тарафдоридир. Айни пайтда “Адолат” партияси ўз ҳаёти ва яқинлари ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр, машғулотли, этник келиб чиқиши ва этиқоди, мулкый имкониятидан қатъи назар, социал-демократиянинг энг муҳим қадриятлари бўлган ҳаққонийлик ва ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги, шунингдек, бошқалар олдида масъулият гоёларига ўз қарашларини ҳамоҳанг деб билладиган жамиятнинг турли қатламларига мансуб фаол фуқароларга таянади. Биз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий-демократик давлат, маънавий ва ахлоқий етуқ адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш тарафдоримиз.

Айтиш керакики, жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам юртдошларимиз ўзининг юксак фуқаролик бурчинини, миллий тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий юксалиш билан боғлиқ масъулиятини англаган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг давом этишини кўзлаб, ҳаётимизнинг янада фаровон, мазмунли бўлишига қатъий ишонган ҳолда энг муносиб номзодга овоз берадилар. Ушбу сайлов халқаро ҳамжамият сафларидаги ўрни ва нуфузи тобора мустақамлашиб бораётган, иқтисодий ва маънавий юксалиш тобора изчиллик касб этаётган, янги баркамол авлод воёга етаётган азият ўзбекистонимиз тарихида, мустақиллик солномасида муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз. Сайловда барчангизни “Адолат” социал-демократик партияси номзоди учун овоз беришга қақирамиз.

Ислом ҲАМРОЕВ

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳаёти:

Диалором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХҲЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖҲРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МҲМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев
Навбатчи — Бобур Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб бошиш таҳририят ружсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300. Адади — 16933 Босишга топшириш вақти — 18.00 Босишга топширилади — 22.30 Баҳоқса мелишлан нархга

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100



ISSN 2091-5237
1 2 3 4 5



ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк жамоаси

Сизларни "Наврўз" байрами билан чин юракдан муборакбод этади!
Юртимиз янада обод ва халқимиз бунданда фаровон бўлсин!
Дастурхонингиздан кут-барака, турмушингиздан файз аримасин, азиз ватандошлар!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган
Ватанимиз янада гуллаб-яшнайсин.

Байрам муносабати билан миаллий валютада қуйидаги муддатли
янги омонат турини таклиф этамиз:

"НАВРЎЗ-2015"

Ушбу омонатга ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати
тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, "Асака" банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда
60 та омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.



Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	552-61-06
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва
кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

10 yil

«Ипотека-банк»

акциядорлик тижорат ипотека банки
жамоаси

Сизни баҳор айёми - Наврўзи
олам билан муборакбод этади!

Барчангизга сиҳат-сало-матлик,
оилангизга тинчлик ва шодлик тилаймиз.
Баҳорий кайфият сизни ҳеч қачон
тарк этмасин!

Маълумот хизмати: (0-371) 150-89-56
www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган



«Ўзтрансгаз» АК «Водийгазтаминот» УК жамоаси



азиз юртдошларимизни баҳор,
яшариш ва янгиликни рамзи,
шарқона янги йил дебوحаси бўлмиш
Наврўз айёми билан табриклайди.

Наврўзи олам барчамизга бахт ва омад олиб келсин.
Энг эзгу орзуларимиз рўёбга чиқаверсин.

Ушбу қутлуғ айём
хаммамизга муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган

➤ Молия муассасаларида

Хабар қилинганидек, шу йилнинг 12-13 март кунлари «Ўзкўргазмасавдо» марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмиталари, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари «BankEXPO-2015» VIII миллий кўргазмаси ташкил этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда молия-банк тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани тўғрисида молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намойиш этиб келмоқда. Бугунги кунда юртимиз банклари капиталнинг етарлилик даражаси 25 фоиздан ошгани ҳам шундан далolat беради. Бу қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан уч бора барт ортиқни ташкил этмоқда.

Пойтахтимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу кўргазма ҳам миқозларнинг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, уларни кредитлаш шартлари, механизмлари ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан таништиришга хизмат қилади.

«BankEXPO-2015» VIII миллий кўргазмасида мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, йирик сўғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари ўзларининг энг янги технологиялари ва хизматлари, шунингдек, молия муассасалари учун ахборот технологиялари ишланмаларига ихтисослашган компаниялар ўз махсуслотларини намойиш этдилар. Кўргазмага ташриф буюрган 50 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари, миқозлар ҳамда меҳмонлар мамлакатимиз банк-молия тизимидаги сўнгги ютуқлар ва истикболдаги ривожланиш йўналишлари, янги

технология ва хизматлар билан яқиндан таништирилди.

Кўргазмада «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ҳам ўз махсуслотлари ва хизматларини акс эттирувчи стендлари билан муваффақиятли иштирок этди.

Жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ҳамда «BankEXPO» кўргазмаси доирасида шу йилнинг февраль ойида эълон қилинган танловга республика миқёсида бизнес лойиҳалар тақдим этилди. Танловда интенсив боғ яратиш, балиқчилик, чорвачилик, миллий матолар, полиэтилен махсуслотлари ишлаб чиқариш, соғломлаштириш маркази ҳамда гўзаллик салонлари каби хизматлар соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган 140 дан ортиқ лойиҳалар орасидан 4 та номинация бўйича совриндорлар аниқланди.

Хусусан, «Узоқ ва бориш кийин бўлган туманларда

Qishloq Qurilish Bank

ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ
ФАРОВОНЛИККА ҲИССА ҚЎШАДИ

амалга оширилган энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича банкнинг Навоий минтақавий филиали мижози бўлган «Томчилаб сўғурта замон талаби» хусусий корхонаси раҳбари, лойиҳа ташаббускори Ачил Якубов биринчи ўринга лойиҳа кўрилди.

Банкнинг Андижон минтақавий филиали мижози, «Балиқчилик Машраббой ерлари» фермер ҳўжалиги раҳбари Машраббой Қодиров иккинчи ўринга, Каттакўрган филиали мижози – «Ҳофиз бобо ОШД» КТХК раҳбари Собит Пардаев эса учинчи

ўринга муносиб, деб топилди.

«Касб-ҳунар коллеж битирувчилари орасидан энг оригинал лойиҳа» номинациясида эса бош соврин банкнинг Қашқадарё минтақавий филиали мижози саналган яқка тартибдаги тадбиркор ҳамда лойиҳа ташаббускори Нуриддин Худойбердиевга топширилди.

Мазкур номинация бўйича иккинчи ўрин банкнинг Когон филиали мижози, яқка тартибдаги тадбиркор Ботирали Шерназаров, учинчи ўрин Охангарон филиали мижози, «Охангарон пласт» МЧЖ раҳбари Жавлонбек Ёқубжоновга насиб этди.

«Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича эса банкнинг Марғилон филиали мижози, яқка тартибдаги тадбиркор ва лойиҳа ташаббускори Мансуржон Мирзахонов бош совринга эга бўлди.

Жумладан, айни номинацияда банкнинг Шўрчи филиали мижози, яқка тартибдаги тадбиркор Баҳодир Давлатов иккинчи ўринга, Чимбой филиали мижози, «Амангелди Мехрибан» МЧЖ раҳбари Ҳамдулда Утамбетов учинчи ўринга лойиҳа, деб топилди.

«Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида эса бош совринга банкнинг Поп филиали мижози бўлган «Фотижа Зухра Мамадалиевна» МЧЖ раҳбари Дилдора Тўйчиева-

Юқорида номлари келтирилган номинациялар бўйича биринчи ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари қимматли совғалар — «LED 32» маркали телевизорлар, иккин-



нинг лойиҳаси эгалик қилди.

Шунингдек, ушбу номинацияда иккинчи ўринга банкнинг Хоразм минтақавий филиали мижози, оилавий тадбиркор Шоира Худоберова, учинчи ўринга Жиззах минтақавий филиали мижози, «Ойхумор Умида» МЧЖ раҳбари Ойхумор Куштаева соҳиб чикди.

чи ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари замонавий ноутбук, учинчи ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари эса замонавий планшетлар ҳамда кредит олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзли сертификатлар билан тақдирландилар.

16 март куни «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтган

банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари «BankEXPO-2015» VIII миллий кўргазмаси доирасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишда етакчи ўринга эга бўлган, шунингдек, кўргазмада фаол иштирок этган қатнашчиларни тақдирлаш маросими»да «Қишлоқ қурилиш банк» ташкилий кўмита томонидан тўртинчи мартаба «Қишлоқ фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси учун» номинацияси ғолиби, деб топилди.

Бундан ташқари, Охангарон филиали мижози бўлган «Охангарон жаннат мевалари» фермер ҳўжалигининг «Хўл меваларни сақлаш мақсадида қуёш батареялари ёрдамида ишлайдиган музлатгич ўрнатиш бўйича лойиҳа»сини қўллаб-қувватлагани учун «Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» ҳамда кўргазма давомида банк стендини малакали мутахассислар ҳамда кўргазма иштирокчиларини етарли маълумотлар билан таъминлаганлиги учун «Энг яхши стенд персонали хизмати» номинацияси бўйича ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг бари юртимизда ишончли ва мустаҳкам банк тизими яратилгани, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, унинг қўламини тобора кенгайтириб бораётгани шарофатидир.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири Ориф ЎЛМАСОВ тайёрлади.

SAVDOGAR BANK

Чет эл капитали иштирокидаги
«Савдогар»

акциядорлик-тижорат банки жамоаси

қалби яратиш, яшнатиш ҳисси билан
тўлиб-тошган бунёдкор халқимизни,
банк миқозларини баҳорнинг энг гўзал, бетакрор байрами —
Наврўзи олам билан чин қалбдан қутлайди.

Барча юртдошларимизга жаннатмонанд диёримизни
янада яшнатиш, обод этишдек шарафли ишларида
улкан муваффақиятлар тилайди.

Мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва омад,
хушқайфият доимо сизларга ҳамроҳ бўлсин, азизлар.
Хонадонингиздан файзу барака аримасин.

Юртимиз узра баҳор таровати, кўклам нафаси уфуриб турган
шу шуқуҳли кунлардаги қувонч сизларни йил бўйи тарқ этмасин.

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Андижон вилояти
Давлат архитектура-қурилиш
назорат инспекцияси жамоаси

Баҳор нафасидан баҳраманд бўлаётган
табарруқ оталаримиз, мунис оналаримиз,
ака-укаларимиз, опа-сингилларимизни
Наврўз айёми билан муборақбод эшадди.

Барча-барчага соғлиқ-саломатлик,
бахт-саодат тилаймиз.

Кўнглингиздаги пок ниятлар ижобат
бўлишига
тилакдошмиз!



Тошкент вилоятидаги «Тўйтепа Агро Макс» МЧЖ жамоаси

Ўзбекистон фуқаролари Ва
юртимиз меҳмонларини
Наврўз айёми билан
чин дилдан қўтлайди!

Хонадонларингиздан меҳр-оқибат,
файзу барака аримасин!
Байрамона кайфият сизларни
асло тарк этмасин!




Хизматлар лицензияланган

Тошкент вилояти Чорва озуқа бош бирлашмаси Бўстонлик туман «Омухта ем сотиш бирлашмаси» МЧЖ ва Юқори Чирчиқ туман «Чорва-парранда келажак» МЧЖ жамоалари

юртимиз аҳлини
мурувват ҳамда
саховат рамзи —
Наврўз айёми билан
муборакбод этади.

Эзгулик сари
етакловчи
Наврўз
шукуҳи
қалбимизни
тарк
этмасин!



Хизматлар лицензияланган



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

мамлакатимиз аҳолисини

Наврўз айёми билан табриклайди ҳамда
миллий валютада энди муддатли омонатлар
амалга киритилганлигини маълум қилади:

«Нафосат»

- » Сақлаш муддати — 3 ой;
- » Ҳисобланган фонзлар бўнак сифатида олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фонзлар капитализациясиз тўланади;
- » Қўшимча бадаллар 500 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади;
- » Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йилнинг 1 июнига қадар амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 234-14-14, 235-42-83 телефонлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com


Хизматлар лицензияланган



«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК қошидаги Иҳота дарахтзорларини ҳимоя қилиш Тошкент масофаси жамоаси

барча юртдошларимизни эзгулик,
муҳаббат, хайр-саховат айёми бўлган
Наврўз шодиёнаси билан
чин дилдан табриклайди.

Кўклам сурури кезаётган юртимизда
қувонч ва шодлик, тўкинлик,
фаровонлик, осуда ҳаёт бардавом,
осмонимиз мусаффо бўлсин, азизлар!



НАВРЎЗ ТАРИХИДАН

Наврўз — Марказий Осиё Ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий, анъанавий янги йил байрами. Бу байрам ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ат тақвим» («Тушунтириш») ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида маълумот берилади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит турк» асарига баҳорга ва Наврўз байрамига бағишланган халқ лирик кўшиқларидан намуналар учрайди. Шунингдек, Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» китобида Наврўз байрами ҳақида қимматли маълумотлар бор.



«Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси жамоаси

барча юртдошларимизни она табиатга гўзаллик
бахш этган янгиланиш ва яшариш, нафосат айёми —
Наврўз байрами билан санимий муборакбод этади.

Барчангизга бахт-саодат, омад,
сихат-саломатлик, фаровонлик ва
шодлик тилаймиз.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша
мусаффо бўлсин. Озод ва обод Ватанимиз
янада гуллаб-яшнайсин.

Бугунги гўзал ҳаётимизга асло кўз тегмасин.

Наврўз қувончлари сизларни ҳеч қачон
тарк этмасин, азиз юртдошлар!



Хизматлар лицензияланган

XALQ BANKI

**ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ**

мамлакатимиз аҳолисини Наврўз умумхалқ байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этади. Ушбу қувончли кунларда хонадонингизга тинчлик, фэйз-барака, оилавий бахт, дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилайди. Диёримиз осмони мусаффо, турмушимиз янада фаровон бўлсин!



Хизматлар лицензияланган



Хизматлар лицензияланган

“ABU SAXIV” СМ МЧЖ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистон фуқаролари ва юртимиз меҳмонларини Наврўз айёми билан чин дилдан қутлайди! Хонадонларингиздан меҳр-оқибат, фэйзу барака аримасин!

**БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ СИЗЛАРНИ
АСЛО ТАРК ЭТМАСИН!**

— Албатта, иқтисодиётимизда соғлом рақобат кучайган бир шароитда бизнес юритиш осон иш эмас. Аммо, тан олиш керакки, бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган кишига кенг шарт-шароитлар, бекиёс имтиёз ва имкониятлар яратилган. Бундан унумли фойдаланётганлар эса жуда кўп. Улар орасида ўзим ҳам борлигимдан фахрланаман. Чунки меҳнат қилиб, озгина бўлса-да, мамлакат равнақига хисса қўшиш шарафли иш-да.

**Муваффақиятлар
ОМИЛИ**

Бундан бир неча йил аввал фуқароларимизга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш гоёси устида ўйлаб юрардим ва уни рўёбга чиқариш учун пухта бизнес-режа туздим. Уни “Микрокредитбанк”нинг Фаллаорол тумани филиали мутахассисларига тақдим этгандим, улар лойиҳамни қўллаб-қувватлашди ва тиббий хизматга йўналтирилган фаолиятимни бошлаш учун 36 миллион сўм кредит ажратишди. 2013 йилда иш бошлаган корхонамиз фаолияти асаб, таянч тизимини Шарқ табobati усулида даволашга ихтисослашган бўлиб, мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни устувор вазифа қилиб белгиланганмиз.

Шу ўринда мамнуният билан таъкидламоқчиманки, айнан “Микрокредитбанк”нинг бегараз кўмаги туфайли ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиб олдим. Қолаверса 12 та янги иш ўрни ташкил қилишга эришдик. Албатта, бу ҳали ҳаммаси эмас. Эндликда банкдан 500 млн. сўм миқ-

дорида кредит олишни мўлжаллаяпмиз. Ушбу маблағ ҳисобига тиббий ускуналар олиб корхонамиз фаолият кўламини кенгайтириш ва янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз.

Ҳозир мазкур молия муассасасининг мижози сифатида шу нарсага амин бўлдимки, банк танлашда адашмаган эканман. Нега деганда, ҳар сафар маблағ ёки молиявий жиҳатдан маслаҳат зарур бўлса, банк ходимларига мурожаат этаман. Улар бу борада ёрдамларини аямайдилар, албатта. Бунинг устига банк томонидан ажратилаётган сармоялар имтиёзли.

Қайтариш шартлари оддий. Бу эса тадбиркорлар, аynиқса, эндигина шу соҳага қадам қўяётган мен каби ёш ишбилармонлар учун айни муддаодир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, “Микрокредитбанк” сармоялари, албатта, ўз самарасини беради.

Лайло ЗОКИРОВА,
«Оромбахш Дилроз Шифобахш»
хусусий корхонаси раҳбари



Хизматлар лицензияланган

**Наманган шаҳар
“ТЕХНО-СТАНДАРТ ТЕСТ”
қўшимча масъулиятли жамияти
ЖАМОАСИ**
ҳамюртларимизни Ваҳор айёми — Наврўзи олам билан табриклайди. Барчангизга ваҳорий кайфият, узоқ умр, эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилайди.

Хизматлар лицензияланган



Барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз. Наврўз оилангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бахт-омад олиб келсин. Байрамга тухфа равишда қуйидаги омонат турини таклиф этамиз.

Кексаларни эъозлаш йилига бағишлаб жорий этилган “Эҳтиром” номли омонат турига маблағларингизни 10 кундан 365 кунгача бўлган давр оралиғида ўзингиз хоҳлаган муддатга қўйиб, ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

Наврўз умумжаҳон байрами сифатида тан олинган. 2009 йилда ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданият мероси рўйхатига киритилди.

**Андижон вилояти
Давлат архитектура-қурилиш
назорати инспекцияси ЖАМОАСИ**
юртимиз аҳлини меҳр-оқибат, энеиланиш байрами — Наврўз айёми билан самимий қутлайди. Байрам варчангизга муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган

Qishloq Qurilish Bank

Фаровон ҳаётингиз хизматида!